



17.01.2022 даги

О'ЗБЕКТЕЛЕКОМ ва Коракул тумани 1-сонкаб-хунар мактаби ўртасида 100000,00 сўм умумий суммага  
тузилган 3 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб  
Шахсий ғазна ҳисобварақ

079

100010860062307092901079001

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснининг тегишли коди)			Жами
	4292100			
Январь	40 000,00			40 000,00
Февраль	40 000,00			40 000,00
Март	20 000,00			20 000,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>100 000,00</b>			<b>100 000,00</b>

Жами 100000,00 сўм

Бир юз минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи оловчи ва БМЖ маблағи оловчи томонидан газначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига 100 % жорий ойнинг 30 санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи оловчи ва БМЖ маблағи оловчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари

М.У.

(имзо)

Абдурайимов Тулкин Турдикулович  
Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Хамроева Мухаббат Шоназаровна  
Ф.И.Ш.

Газначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

(имзо)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ й.

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

(имзо)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ й.

Юридик шахслар ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган хусусий тадбиркорларга телефон алоқаси  
хизматларини кўрсатиш бўйича  
**ШАРТНОМА № 3**

Коракул ш.

2022 йил « 17 » январ

Бундан кейин «Оператор» деб номланувчи телекоммуникация оператори (ваколатли шахс) —

Коракул телеком,  
(операторнинг номланиши)

Узбек телеком  
(лицензия берган ташкилотнинг номи)

томонидан берилган лицензия ва Низом асосида фаолият кўрсатувчи

О.Исоев  
(раҳбарнинг мансаби, исм-фамилияси)

тимсолида бир томондан,

Юридик шахс,
Бюджетдан маблаг олувчи ташкилот номи: <b>Коракул туман 1-сон касб ҳунар мактаби</b>
Манзили: <b>Коракул туман Сайёт КФЙ</b>
Раҳбар, Ф.И.Ш. <b>Т.Т.Абдурайимов</b>

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Оператор телефон алоқасининг универсал (асосий) ва қўшимча хизматларини кўрсатиш, Абонент эса мазкур хизматлардан фойдаланиш, ҳамда хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.1. Абонент тоифаси – бюджет

1.2. Абонент 2022 йилда бюджетдан **алоқа хизматлари** учун ажратилган маблаглар доирасида куйидаги график асосида ҳак тулашни уз зиласига олади Жумладан:

Йил	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	Жами бир йилда (сумда )
2022 Бюджет	100000				100000
Жами:	<b>100000</b>				<b>100000</b>

Жами: 2022 йил учун **Бир юз минг сум.**

### 2. ОПЕРАТОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 2.1. Операторнинг мажбуриятлари:

2.1.1. Белгиланган сифат даражасида телефон алоқаси хизматларини ўз вақтида кўрсатиш.

2.1.2. Оммавий ахборот воситаларида, Интернет, аҳоли гавжум жойларда, эълонлар бериш ёрдамида корхона фаолияти, янги АТС ларни ишга тушириш, янги хизмат турлари, телекоммуникация хизматлари учун белгиланган тарифларнинг ўзгариши ва бу хизматларни кўрсатиш тартиблари ҳақида хабар бериш.

2.1.3. Универсал хизматларга тарифлар ўзгарғанлигини камида 15 кун олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.

2.1.4. Абонентнинг айбисиз телефон алоқаси бузилганда абонент томонидан таъмирлаш бюросига талабнома тушгаш вақтдан бошлаб абонент ускунаси ишламаган кунлар учун абонент тўловларини қайта ҳисоблаб чиқиши. Қайта ҳисоб китоблар маълумот рўйхатга олинган кундан эътиборан соат 00.00 дан бошлаб тўлиқ суткалар учун амалг оширилади. Техник сабабларга кўра абонент рақамининг ўзгаришини камида 10 кун олдин абонентга ёзма равишда маълум қилиш. Ўрнатилган тартибда маҳаллий телефон сўзлашувлари тўғрисидаги маълумот-расшифровка (детализация)ни қўшимча тўлов эвазига Абонентга бериш.

2.1.5. Абонент томонидан сотиб олинган телематик хизматлар (телефакс, телекс, ведеотекс ва ҳоказолар)нин охирги ускуналарини шартномага қўшимча киритган ҳолда (8-бўлимга биноан) рўйхатдан ўтказиш.

2.1.6. Оператор, шунингдек, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари»да белгилаб берилган бошқа бир қатор мажбуриятларга ҳам эга (бундан кейин матнда «Қоидалар»).

Оператор курсатилган хизматлар хисоб-варак фактураларини ҳар ойда бюджет ташкилотига тақдим этиб бориши мажбуриятини олади.

2.1.7. Агар Абонент ҳисоб-китоб давридан кейин 2 ой давомида телефон алоқаси хизматлари учун тўловни амалга оширмаса ёки 3.1.7.-бандларни бузишга йўл қўйса, ушбу шартнома бир томонлама бекор қилинади.

2.1.8. Оператор «Қоидалар»да белгилаб берилган бошқа бир қатор хукуқларга ҳам эга.

#### Операторнинг хукуқлари:

2.2.1. Янги телефон станциялари ишга тушиши ва телефон тармоқлари реконструкция қилиниши муносабати билан амалдаги «Қоидалар»га мувофиқ Абонентнинг рухсатисиз, аммо унга ўз вақтида хабар берган холда, телефон рақамини бепул ўзгаришиб қўйиш.

2.2.2. Оператор абонент линияларига тегишли сертификати бўлмаган ускуналар (телефон аппаратлари, телематик хизмат ускуналари, ахборот узатгичлар, радиотелефонлар, радиоузайтиргич, ПК, АОН ва бошқалар)ни ўчиришини операторнинг техник комиссияси томонидан далолатнома тузилгандан сўнг Абонентдан талаб қилиш.

2.2.3. Кўйидаги ҳолларда абонент ускунасини телефон тармоғига уланишини тўхтатиши:

- маҳаллий, шаҳарлараро ва ҳалқаро телефон алоқаси учун 4.6., 4.6.1.-бандларга асосан алоқа хизматлари тўловлари тўланмаганда (бунда телефон алоқасини узиш ҳақида абонент камидан 3 кун олдин телефон билан огоҳлантирилиши зарур);
- абонент томонидан охирги қурилмаларни ишлатиш қоидалари бузилгандан ва бунинг натижасида оператор коммутацион ускуналарининг нормал ишлашига ҳалақит берган ҳолларда;
- 2.2.4. Абонентнинг ушбу **\_56 35-136** рақамлари шаҳар ичida телефон сўзлашувлари алоқасига уланган.

### 3. АБОНЕНТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Ҳар чоракда камидан 1 марта Оператор билан ўзаро ҳисоб-китобларни аниқлаш мақсадида солишириш далолатномаси тузиш.

3.2. Оператор ҳисобидаги ёки у томонидан таъмирланадиган Абонент фойдаланиладиган уй телефон симлари ва бошқа ускуналарни ишга яроқли ҳолатда саклаш. Абонентга тегишли бўлган ёки Абонент томонидан ижарага олинган телекоммуникация воситаларининг техник меъёрларга мувофиқ бўлишини таъминлаш.

3.3. Алоқа бузилишлари ҳақида телекоммуникация боғламасининг таъмирлаш бюросига ўз вақтида хабар бериш.

3.4. Корхонанинг номи, реквизитлари ўзгарганда, хонани ижарага бериш бўйича, бир ой муддат ичida ёзма равища, санасини кўрсатган ҳолда Операторга хабар қилиш ва амалдаги тарифлар бўйича тўловлар эвазига шарномани қайта расмийлаштириш ёки уни бекор қилиш. Ижаара муддати тугаши билан ёки ижарага бериш бўйича шартнома бекор қилинадиган бўлса, телефон алоқаси хизматини кўрсатиш бўйича тузилган шартнома ижарага олувчиidan ижарага берувчи бепул қайта расмийлаштирилиши мумкин. Ижарага берувчи ижара шартномасини бекор қила туриб, ижарага олувчининг Оператор олдидағи қарзларини узишини назорат қиласи ва қарзлар мавжуд бўлган тақдирда белгиланган тартибда жавобгар бўлиб ҳисобланади.

3.5. Абонентнинг алоқа «Қоидалар»ини қай даражада бажараётганини ёки абонент буюртмасига асосан таъмирлаш учун келган Оператор ходимини (агар у расми ёпиштирилган, корхона муҳри босилган, амал қилиш муддати кўрсатилган гувоҳномага эга бўлса) бинога киришга рухсат этиши. Бунда Оператор ходимида бажариладиган ишлар наряди ҳам бўлиши зарур.

3.6. Абонент ускунасидан пуллик хизмат кўрсатиш учун таксофон сифатида, Интернетга кириш ва ҳоказо мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Оператор томонидан ажратилган телефон рақамларидан телекоммуникация хизматларини кўрсатиш «Қоида»га белгиланган тартибда амалга оширилади. Ушбу банд бузилгандан тақдирда Оператор Абонентнинг телекоммуникация тармоғига киришини оператор техник комиссияси томонидан далолатнома тузилиб, камчиликлар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб қўйиш хукуқига эга. Абонент томонидан мазкур ҳолатлар тақрорланганда шартнома бир томонлама бекор қилинади.

3.7. Факат сертификатланган телефон аппаратлари ва бошқа ускуналардан абонент ускунаси сифатида фойдаланиш. Мувофиқлик сертификати бўлмаган, телефон рақамини автоматик аниқлаш ускунаси(АОН)дан фойдаланмаслик.

3.8. Абонент телефонларидан ва бошқа охирги қурилмаларидан амалга оширилган маҳаллий, шаҳарлараро, ҳалқаро телефон сўзлашувлари учун тўловларни тўлиқ 4.3 – бандга асосан амалга ошириш.

3.9. Абонентлик қурилмасини ўзбошимчалик билан ўрнатиш ва параллел телефон аппаратлари ёки бошқа радио алоқаси, телематик хизматлар ва ахборот узатгичларига улаш таъкиланади. Бу қурилмаларни улаш операторга маълум қилиниб, мувофиқлик сертификатига эга бўлгач амалга оширилади. Агар, Абонент томонидан ўзбошимчалик билан абонент линиясига уланган қурилманинг уланиш вақтини аниқлаш имконияти бўлмаса, абонент тўлови жорий йилнинг бошидан ҳисоблаб ундирилади.

Радиотелефонлар ва бошқа радиоэлектрон воситалар (10 мВт қувватли симсиз телефонлар бундан мустасно) абонент қурилмаси сифатида уланган тақдирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш Агентлиги ёки унинг ваколатли органидан бу қурилмалардан фойдаланишга рухсатнома олиниши зарур.

3.10. Телекоммуникация тармоқлари иш сифатини пасаайтиришга ёки уларни шикастланишига қаратилган ҳатти-харакатларга йўл қўйилмаслиги зарур.

3.11. Абонент «Қоидалар»да белгилаб берилган бошқа бир қатор мажбуриятларга ҳам эга.

#### **4.Хизматларга ҳак тулаш**

##### **4.1. Махаллий, шаҳарларо ва халқаро телефон алоқаси учун тӯловлар:**

Шартноманинг 1.2-бандида белгиланган ҳар чорак учун тулов суммасининг ўртача бир ойлик маблағининг 100% и миқдорида олдиндан тӯловни амалга оширилади. Ҳар ой якуни билан томонлар ўртасида тузилган солиштирма далолатнома асосида ҳакикатда кўрсатилган хизмат учун қолган тӯлов амалга оширилади.

4.2. Олдиндан тӯлов тариқасидаги тӯловлар камида 1 ой олдин, лекин 12 ойдан кўп бўлмаган муддат учун амалга оширилиши мумкин, якуний тӯлов томонлар ўртасида далолатнома асосида 1 ой ичida ўтказилади.

4.3. Телефон алоқаси хизматлари учун олдиндан тӯланган тӯлов суммаси операторнинг биллинг тизими томонидан куйидаги кетма-кетлиқда тақсимланиб тӯланади:

- абонентлик тӯлови ва қўшимча хизмат турлари;
- ҳисоблагичлар;
- шаҳарларо ва халқаро сўзлашувлар.

Ушбу бандда кўрсатилган хизматларга тарифлар ошган тақдирда, улар бўйича ҳисоб-китоблар бунак суммаси тугагунга қадар амалда бўлган аввалги тарифлар бўйича амалга оширилади. (Агар бу хизматлар бўйича тӯловлар универсал хизматларга тарифларнинг ўзгариши тўғрисида эълон берилишидан олдин амалга оширилган бўлса).

4.4. Махаллий сўзлашувлар (вақтбай асосида тӯлов тизими жорий этилганда), шаҳарларо ва халқаро телефон алоқасидан фойдаланганилиги учун тӯлов ҳисоб варагига асосан (ахборот узатиш ва телематик хизматлардан фойдаланилганилиги учун тӯловлар ҳам шунга киради), ҳисоб варагига кўрсатилган санадан бошлаб 3 банк куни ичida амалга оширилади.

4.5.1. Ҳисоб-китоб қилинган ойдан кейинги ойнинг 10-санасигача<sup>a</sup> абонент «Оператор»нинг абонентлар бўлимига кўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун ҳисоб-варак фактурасини олиш учун келиши керак, кўрсатилган муддатда келмаган тақдирда телефон ўрнатилган тартибда ўчириб қўйилади.

4.5.2. Абонент хоҳишига қўра оператор шаҳарларо ва халқаро сўзлашувлар бўйича маълумот (расшифровка)ни электрон вариант(файл ҳолати)да бериши мумкин.

4.5.3. Абонент шаҳарларо ва халқаро сўзлашувлар бўйича маълумотни такорий сўраган ҳолларда ундан қўшимча равишида 300 сўм, агар электрон вариант(файл ҳолати)да бўлса 100 сўм (ҳар бир компютер вараги учун) олиниади. Мазкур тӯловлар алоқа хизматлари тарифлари ўзгарганида қайта кўриб чиқилади.

4.6. Белгиланган муддатда алоқа хизматлари тӯловлари тӯланмаса, телефон ўчириб қўйилади, бунда оператор шартномани бекор қилиш ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ қарзларни ундириб олиш ҳуқуқига эга.

Агар Абонент ҳисоб-китоб давридан кейинги 2 ой давомида телекоммуникация хизматлари учун, шу жумладан, телефон ўчириб қўйилган вақт учун қарзларини тӯланмаса, Оператор ва «Абонент» келишилган ҳолда шартномани бекор қилиш ва қарзларни ўрнатилган тартибда ундириб олиш ҳуқуқига эга. Қайтадан телефон ёки бошқа охирги курилмани ўрнатиш ариза берилиб тегишли тӯловлар амалга оширилгач амалга оширилади.

4.7. Агар абонент тӯланиши лозим бўлган пул миқдорига, сўзлашув вақти ва бу сўзлашув унинг телефонига тегишли эканлигига норози бўлса, у ҳисоб варагини олгандан сўнг 30 кун давомида раддия ёзиши мумкин. 30 кундан сўнг эътиrozлар қабул қилинмайди. Текширув натижалари Абонентни қаноатлантирумаса судга мурожаат қилиши мумкин .

4.8. Ушбу шартноманинг 4.8-банди бўйича текширув ўтказилаётганда телефон шаҳарларо ва халқаро сўзлашувларга чиқиши коди(8)сиз ишлатиб қўйилади.

4.9. Ҳар ойнинг 1-чи куни ҳолатида дебитор қарздорлик мавжуд бўлса, «Оператор» қарздорлик суммасининг 0,1% миқдорида тӯловнинг ҳар бир кечикирилган куни учун, бу қарздорлик тўлиқ ундириб олингунча қадар пеня ҳисоблайди.

4.10. Абонентнинг айби билан телефон ёки бошқа охирги қурилма ишламаган пайтда улардан фойдаланиш бўйича абонент тӯловлари тўлиқ миқдорда ундириб олинади.

4.11. Халқаро ва шаҳарларо автоматик телефон алоқасидан фойдаланилганда, тӯланиши лозим бўлган сўзлашув вақти сўзлашув бошланган вақтдан ҳисобга олинади. Телефонга уланган бирор бир техник ускуна (факс, автоматик жавоб берувчи, ракамни аниқловчи ва ҳоказолар) билан сўзлашув амалга оширилганда тӯланиши лозим бўлган сўзлашув вақти ана шу ускуналар ишга тушган пайтдан бошлаб ҳисобга олинади.

#### **5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

5.1 Низоларни ҳал этиш чоғида томонлар ўзаро келишувга биноан иш тутадилар.

Томонлар ўзаро келиша олмаган ҳолларда, низолар Ҳўжалик судида ҳал этилади.

#### **6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1 Ушбу шартнома шартларини томонлар бажармаган тақдирда уларнинг масъулияти Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик Кодекси», «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаoliyatiни шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғриси»ги қонунлари, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари» ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа бир қатор амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ томонларнинг жавобгарликлари кўриб чиқилади.

#### **7.ФОРС-МАЖОР**

7.1 Томонларнинг хоҳиш-истагига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолларда (табиий оғатлар, ноқулай об-ҳаво шароитлари, ҳукумат чора-тадбирлари, ҳокимият идоралари қарорлари, ҳарбий тўқнашувлар, ички тартибсизликлар ва бошқа ҳолатларда) томонларнинг ўз мажбуриятларини бажармасликлари ушбу шартномани ижро этиш бузилган деб ҳисобланмайди, томонларнинг шартномани бажариш муддатлари юкорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бартараф этиб бўлингунга қадар кейинга сурилади.

7.2 Форс-мажор ҳолатларига таяниб иш кўрувчи томон ваколатли давлат органининг тасдиқланган тегишли хужжатини тақдим этиши керак.

#### 8.ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

8.1. Шартномага ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш хақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳақконийдир.

Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартирishлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

8.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, «Коидалар»да ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик хужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

#### 9.ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Ушбу шартнома « 17 » январ 2022 йилдан 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

9.2. Шартнома муддатидан олдин қўйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган тақдирда;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатларида белгилangan бошқа ҳолларда.

9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

#### 10. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

10.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси бюджет кодексининг 122-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Фазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

#### 11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

##### «Оператор»

«Ижрочи»

«Бухоро Телеком» фил. Коракул туман  
Телеком. Богламаси

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат қўрсатувчининг номи)

##### «Абонент»

«Буюртмачи»

Коракул туман 1-сон касб хунар мактаби

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Коракул ш.Улугбек куча №32 уй

Тел./факс \_\_\_\_\_ 56-51-234 \_\_\_\_\_

х/в: 20210000804074838412 \_\_\_\_\_

Банк номи: , АТ "АЛОКАБАНК" Тошкент бош  
офиси

МФО: 00401

ОКОНХ: 52300 \_\_\_\_\_

СТИР 203366731

Манзил: \_\_\_\_\_ Коракул тумани Сайёт КФЙ

Тел./факс \_\_\_\_\_

Ш/х\* 100010860062307092901079001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 206925509

ОКОНХ: 92120

Газначилик бўлинмаси номи: Қоракўл туман  
бўйича газначилик бўлинмаси

Фазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент ш.  
ХКМ.

МФО: 00014

Газначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Рахбар

Т.Т.Абдурайимов

(Ф.И.Ш)

(имзо)

М.У.

Рахбар  
О.Исоев  
(Ф.И.Ш)  
(имзо)

М.У.

Хукуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш): Зарифа Л. Зарифа  
Лицензия (диплом) № ва берилган санаси: